

ЧЕТ ТИЛ ТАЪЛИМИДА ИНТУИЦИЯ ВА ТИЛНИ ҲИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

К.Мансурова, НамДУ

Ўзгалар тилини ўрганиш барча замон ва маконда устувор ижтимоий масалалардан бўлиб келган. Лекин ҳозирда чет тил(лар)ни билиш, бемалол таъкидлаш мумкинки, ҳар қачонгидан ҳам муҳимлик касб этмоқда. Бинобарин, чет тил(лар)ни ўргатиш/ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Аввало, тилларни ўргатиш илми (лингводидактика)га тааллуқли айрим мулоҳазалар баёнига тўхталсак. Лингводидактика атама сифатида талаба/ўқувчи ўрганадиган барча тиллар (она тили, иккинчи тил ва чет тил)ни ўқитиш ҳақидаги яхлит фан сифатида шаклланди ва ривожланмоқда (Барышников).

Бугунги кунга келиб лингводидактика ва чет тил ўқитиш методикасига оид адабиётларда “тилни ҳис қилиш”, “интуитив метод” ва “нутқий интуиция” атамалари кўп учрамоқда (В. И. Чернышев, С. Ф. Жуйков, Н. С. Рождественский, А. М. Орлова, Л. И. Айдарова, Л. П. Федоренко, М. М. Гохлернер, Г. В. Ейгер, Т. М. Колесникова).

Интуиция махсус билиш жараёни сифатида, бевосита янги билимни ҳосил қилувчи жараён тарзида, кишиларга хос бўлган сезги ва абстракт тафаккур каби умумий қобилият сифатида намоён бўлади.

Машҳур юнон олими Платон, немис олимлари Кристиан Вольф ва Э.Кант ўз асарларида билишнинг — интуитив ва мантикий тури ёки методлари мавжуд эканлиги айтиб ўтилади.

Интуиция (лат. *intueri* — диққат билан синчиклаб қараш) — ички ҳис қилиш, интуитив метод эса онг иштирокисиз, беихтиёр фикрни баён этиш жараёни ҳисобланади. Интуицияни илмий, бадий, вазиятга кўра ҳиссий, ижодий ва интеллектуаль интуицияларга бўлиш мумкин.

Бу атама XIII асрга келиб немис монархи Мёрбеклик Вильхельм (1215—1286) томонидан ғарбийевропа фалсафасига киритилди. Немис олими Кристиан Вольф эса лотинча «*intuitio, intuitus*» атамасини немис тилига «*Anschauung*», «*anschauende Erkenntnis*» деб ўгирди. Бу атама Кант асарларида кўп қўлланилади.

Инглиз, француз, итальян, испан олимлари немисча *Anschauung* атамасини «интуиция» (франц., ингл. — *intuition*, итал. — *intuizione*, исп. — *intuicion*) деб атаганлар. Кант қўллаган *Anschauung* атамаси рус тилига “беихтиёр фикрни баён этиш” қабилида таржима қилиниб келинган.

Интуиция муаммолари устида изланиш олиб борган олима Л. И. Айдарова тилни ҳис қилиш бўйича қуйидаги йўналишларни кўрсатиб ўтади: биринчидан, нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникмаларни шакллантириш асосида тил аспектлари (лексика, грамматика, талаффуз материали)ни идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш; иккинчидан, малакаларни ривожлантириш учун назарий асосланган махсус машқларни тақдим этиш; учинчидан, сўз маъносини бир бутун лексик бирлик сифатида ҳис қилиш; тўртинчидан, кўп маъноли сўзларнинг барча семантик маъноларини идрок эта олишга ўргатиш. Бундан кўриниб турибдики, тилларни ўрганиш илмида бир атама тилнинг турли оилага мансублигидан ташқари тилнинг турли ҳодисаларини ёритишга хизмат қилар экан.

Кўплаб руҳшунос ва тилшунос олимлар тилни ҳис қилишни интеллектуал томонидан ўрганиш керак деб ҳисоблайдилар. Бунга сабаб, тил ўрганувчилар ҳорижий тилларни ўрганиш жараёнида тилнинг кумулятив вазифасидан вофиқ бўладилар ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўладилар. Бу эса тилдан амалиётда эркин фойдалана олиш имконини яратади.

Тилни ҳис қилиш – мулоқот жараёнида кўзга ташланади. Маълумот узатувчининг ахборотни етказиш жараёнида унинг ҳис-ҳаяжони, хотираларида сақланиб қолган жумлаларни ўз нутқларида тўғри қўллай олаётганликларида ишочли/ишончсизлик ҳисларининг пайдо бўлиши у ёки бу даражада мулоқотга таъсир этади. Бу эса

коммуникантларда нутқнинг чиройли/чиройли эмас, жарангдор/жарангдор эмас деган фикрни уйғотади.

Энг типик лисоний белги сўздир. Чунки инсоний билимларнинг барчаси ва предметларни образлари орқали билиш аждодларнинг фикрлаш жараёнининг натижаси сифатида сўзларда ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, сўз бирлиги кумулятив маънога эга, у яъни илгаридан жамланиб келинаётган ахборотлар йиғиндисидан иборат.

Ахборот олиш – билиш фаолиятини юритиш жараёни ҳисобланади. Бу ерда билиш ва нутқий фаолиятнинг фаркига бориш талаб этилади. Шу боис, янги ахборотнинг ҳосил бўлиш жараёнини тафаккурни индуктив ва дедуктив тушунишга тенглаштириб бўлмайди. Бу жараёнда билишга янги куч, имкон ва ҳаракат йўналиши берувчи интуиция муҳим ўрин эгаллайди.

Интуиция ички англашни тўсатдан очиб, мураккаб, ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган реалликнинг сермаънолигини аниқлашга ёрдам беради.

Интуицияни экспериментал ўрганиш мумкин ва уни эксперимент ёрдамида ўрганишга бағишланган ишлар орасида Ж. Олтон, К. Факуаруи асарларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Интуициянинг умумийлиги ва кенг тарқалганлигини олиб борилган кўплаб кузатишлар тасдиқлаши мумкин. Кутилмагаи вазиятларда, ахборотлар чекланган шароитда тез қарор қабул қилиш зарур бўлганда, ўз қарорини «олдиндан сезгандай», айнан шундай қилиш лозимдек, қабул қиладиган ҳолатлар инсон ҳаётида кўп учрайди.

Интуиция тушунчасининг мазмуни жуда кенг, ҳамма вақт ҳам одамлар «интуиция» деб атайдиган ҳодисалар интуиция бўлавермайди. Тафаккурда, кўплаб хулосалар борки, уларга асос бўладиган ҳукм аниқ ҳолда ифодаланмайди, бундай хулосаларнинг натижаси кутилмаган бўлади, баъзилар ўйлаганидек интуитив бўлмайди. Инстинктларга мансуб ҳодисаларни доимо ҳам интуитив деб ўйламаслик керак. У зарур шароитда рўй берадиган реалликнинг автоматизми билан тавсифланади ва субъектнинг онгсиз бажарадиган физиологик фаолияти доирасига киради. Баъзида «ҳиссий интуиция» тўғрисида ҳам гапиришади. Тўғри бундай иборани ишлатиш мумкин, лекин бу «ҳиссий» билиш доирасида амалга ошишини унутмаслик лозим.